

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.08.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МАНСУРОВА МУНИСА АНВАРОВНА

**КЕНГАЙТИРИЛГАН ХАРАКТЕРИСТИКАЛИ ИККИ ИПЛИ
ЗАНЖИРЛИ БАҲЯЛАРНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ТИКУВ
МАШИНАСИ ИШЧИ ОРГАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.06.04 – Тикув буюмлари технологияси ва костюм дизайни

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Мансурова Муниса Анваровна

Кенгайтирилган характеристикали икки ипли занжирли баҳяларни олиш технологияси ва тикув машинаси ишчи органларини такомиллаштириш..... 3

Мансурова Муниса Анваровна

Совершенствование технологии получения двухниточных цепных стежков с расширенными характеристиками и рабочих органов швейных машин..... 29

Mansurova Munisa Anvarovna

Improvement of technology for producing two-thread chain stitches with extended characteristics and working organs of sewing machines..... 57

Элон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 61

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.08.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МАНСУРОВА МУНИСА АНВАРОВНА

**КЕНГАЙТИРИЛГАН ХАРАКТЕРИСТИКАЛИ ИККИ ИПЛИ
ЗАНЖИРЛИ БАҲЯЛАРНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ТИКУВ
МАШИНАСИ ИШЧИ ОРГАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.06.04 – Тикув буюмлари технологияси ва костюм дизайни

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/T135 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий
маслаҳатчи:**

Ташпулатов Салих Шукурович
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Жилисбаева Раушан Оразовна
техника фанлари доктори, профессор

Арипжанова Дилафруз Ўктамовна
техника фанлари доктори

Баходиров Ғайрат Атаханович
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи
ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.08.01 рақамли илмий кенгаш 26 декабр 2017 й. соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, ш., Шохжаҳон-5, тел. (+99871)2530606, 253-08-08. факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz ТТЕСИ маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона)

Диссертацияси билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, ш., Шохжаҳон-5, тел. (+99871) 2530606, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2017 йил 11 декабрда тарқатилди.
(2017 йил 11 декабр № 21 рақамли реестр баённомаси).

Қ.Жуманиязов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.А.Хамраева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раис ўринбосари, т.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзраблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда жаҳонда тўқимачилик ва тикувчилик саноатида турли хил матолардан олинган маҳсулотларга бўлган эҳтиёж жадал суръатларда ортиб бормоқда. «Дунё тўқимачилик бозорида тикувчилик маҳсулотлари учун газламаларни ишлаб чиқариш йилига 120 млрд м² ни ташкил этиб», бу борада Шарқий ва Жанубий Осиёда, АҚШда, Европа ва МДХ давлатлари етакчилик қилмоқда»¹. Шу жиҳатдан жаҳон миқёсида тикув буюмлари маҳсулотларининг сифатини яхшилаш, юқори рақобатбардош бўлган сифатли тикув маҳсулотларини ишлаб чиқиш, маҳсулотларнинг ассортиментини кенгайтириш, замонавий тикув жиҳозларини, юқори характеристикали занжирли чокларни олиш технологияларни қўллаш масаласи муҳим бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга турли йўналишларга мўжалланган, айниқса улар орасида трикотаж матоларидан тайёрланган маҳсулотлар олиш, рақобатбардош тикув буюмларини ишлаб чиқаришга имкон берадиган янги юқори самарали ресурстежамкор технологияларни яратиш, тикув машиналарини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда юқори сифатли тикув буюмларини ишлаб чиқаришда турли деформацион мустаҳкамлик характеристикаларига эга бўлган материалларни тикиш технологиясини такомиллаштириш ҳамда кенгайтирилган технологик имкониятларига, юқори иш унумига эга бўлган тикув машиналарини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, жумладан, янги типдаги занжирли чокларни қўллаб материалларни тикиш технологиясини яратиш, тикув машиналарини модернизация қилишга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён енгил саноатни ривожланишида, айниқса тикув ишлаб чиқаришда жаҳон бозорида юқори рақобатбардош бўлган сифатли тикув маҳсулотларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан тикув машинаси ишчи органларини такомиллаштириш, тикув машиналарини ишлаб чиқарувчи ҳамда бутловчи қисмларни ва уларга сервис хизматини кўрсатувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Шулар билан бир қаторда, тикув ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, икки ипли занжирли баҳяларни олиш технологияси ва тикув машинаси ишчи органларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси

¹<https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira.International Trade Centre, ttp://www.export.by/act, http://worldofschool.ru2016>

белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда тикув технологияларини такомиллаштириш, жумладан тикилаётган материалларнинг хусусиятларига мос келган самарали занжирли чокларни ишлаб чиқиш, юқори сифатли тикув буюмларини тайёрлашни таъминлайдиган тикув машинаси ишчи органлари ва механизмларини самарали конструкцияларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687 сон «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожланиш чоралари бўйича дастур ҳақида», 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692 сон «Жисмоний ва маънавий эскирган жиҳозларни янгилаш, ҳамда соҳалар ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари» ва 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январдаги 5-сон «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи². Юқори эксплуатацион характеристикали сифатли тикув бирикмаларини олишни таъминлаш учун занжирли баҳяларни янги схемалари ва олиш технологияларини ишлаб чиқиш, тикув машиналарининг ишчи органлари, механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Colifornia Institute of Texnology, Bridj universitat (АҚШ), Manchester University (Англия), Ghent University (Бельгия), Kyoto University (Япония), Dortmund Technical University (Германия), University of Piraeus (Греция), South Indian textile research association (Хиндистон) Technische Universitat Munchen, Institute fur Textilmaschinen und Textile Hochleistungs werkstofftechik (Германия), China Textile Academy (Хитой), Department of Textile Engineering (Хиндистон), А.Н.Косигин номидаги Россия Давлат Университети (Россия), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида (Ўзбекистон Республикаси) кенг қамровли илмий – тадқиқот

²Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.dissercat.com>; <https://spb.knitism.ru>; <https://studopedia.su>; <http://rustm.net/catalog/article>; <http://prod.bobrodobro.ru>; <http://totailor.ru>; <https://studfiles.net/preview>; <http://www.svarkainfo.ru> бошқа манбаалардан олинган.

ишлари олиб борилмоқда.

Тикув машиналарининг ишчи органлари, механизмларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: бир ва икки ипли мокили баҳяларни олиш технологиялари ва уларни амалга оширишдаги тикув машиналари яратилган («DUR-KOOP», «PFAFF», Германия); юқори технологик имкониятга эга тикув машиналари ишлаб чиқилган («JUKI», Япония); тикув машиналарининг ишлаш жараёнини автоматик бошқариш тизими яратилган («Toyota Sewing System», Япония; «Etan Ups», Швеция; «Schonenberger», Франция); турли типдаги ипларни қўллаб сифатли тикув буюмлари ишлаб чиқилган («Du pont», АҚШ; «The Department of Foreign Trade», Хитой; «Fabrikstrasse», Швеция).

Дунёда тикув буюмлари техника ва технологияларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли ассортиментдаги кийимларни тайёрлаш учун материалларни тикиш технологиясини яратиш, рақобатбардош тикув буюмларини тайёрлашда устувор бўла оладиган юқори сифатли чокларни яратиш, узилмайдиган мокили ва занжирли баҳяларни ишлаб чиқиш, тикув машиналарини юқори иш унумида ишлайдиган ишчи органлари ва механизмларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтга қадар тикувчилик ишлаб чиқариш техника ва технологиясини такомиллаштириш, янги типдаги баҳяларни яратиш, матоларни тикиш, кийимлар шаклини танланиши, матоларни ва ипларни танлаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бўйича етарли даражада олимлардан L.Bellio, H.Schroeder, S.Striker, R.Sugimoto, В.Н.Горбарук, Г.А.Гайнулин, А.И.Комиссаров, В.П.Щербатов, В.Л.Полухин, В.В.Исаев, Л.В.Кальницкий, В.В.Рачок, Л.Рейбарх, О.Сузуки, И.В.Черунова, Д.С.Мансури, С.Баубеков, К.Джаманкулов, Р.О.Жилисбаева, С.Ш.Ташпулатов, З.Ш.Таджибаев ва бошқалар тадқиқотлар олиб борган.

Республика олимлари Х.Х.Камилова, Х.Алимова, Ф.У.Нигматова, Д.Ў.Арипжанова, М.Расулова, Н.Набижонова ва бошқалар томонидан тикув буюмлари дизайни, тикувчилик соҳасини ривожлантириш бўйича маҳаллий материаллардан кенг ассортиментдаги сифатли буюмларни тайёрлаш бўйича комплекс технологиялар ишлаб чиқилган, тикув буюмларини лойиҳалашда автоматлаштириш масалалари ёритиб берилган.

Лекин тикув ишлаб чиқариши техника ва технологияси бўйича жуда кўп сонли ишлар мавжуд бўлса ҳам, янги типдаги занжирли чокларни ишлаб чиқиш ва иплари узилмайдиган юқори деформацион-мустаҳкам характеристикали баҳяларни ўтказмайдиган чокларни олишни таъминлайдиган модернизация қилинган тикув машиналарини яратиш масалалари бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Тикув машиналарининг ишчи органлари ҳаракат қонунларини ўрганиш, оптимал параметрлари ва ҳаракат режимларини асослаш, юқори тезликдаги режимларда ресурстежамкор

тикиш технологиясини яратиш бўйича ишлар деярли йўқ. Шунинг учун яхшиланган характеристикали янги бир ипли ва икки ипли занжирли баҳяларни ишлаб чиқиш, материалларни сифатли тикилишини таъминлайдиган материалларни игна билан тешиб ўтиш, суриш ва ипни узатишга имкон берадиган ресурстежамкор ишчи органлар, механизмларни яратиш соҳанинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот ишлари режасининг А-13-002 «Янги икки ипли занжирли баҳяларни юқори ип туртки икки циклда олиш услубини ва уни тикув машинасида амалга ошириш» (2006-2008), И-2015-2-4 «Трикотаждан сифатли маҳсулотларни тайёрлашда юқори эластик баҳяларни олиш учун ресурстежамкор тикув машинаси конструкциясини модернизация қилиш ва жорий этиш» (2015-2016), ОТ-А3-35 «Ресурстежамкор, юқори иш унумида сифатли тикишни таъминлайдиган тикув машиналари юритмаси конструкциясини ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш методлари» (2017-2018) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқоднинг мақсади: юқори кўрсаткичли характеристикаларга эга янги занжирли чокларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш, тикув машиналари ишчи органлари ва меҳанизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқоднинг вазифалари:

юқори кўрсаткичли характеристикаларга эга бўлган бир ипли ва икки ипли занжирли чокларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш;

материалларни суриш, игнани материалдан ўтиш жараёни ва пастки ипни суришни самарали технологиялари ва меҳанизмларини ишлаб чиқиш;

юқори кўрсаткичли характеристикаларга эга бўлган занжирли чокларнинг пастки ва юқори ипларни сарф қийматлари ва тарангликларини аниқлаш методларини ишлаб чиқиш;

тикилаётган материаллар қалинлигига, ишқаланиш коэффициентига, ипни узатиш геометрик параметрларига мос равишда пастки ва юқори ипларнинг таранглиги ва сарф қийматларини ўзгариш боғлиқликлари ишлаб чиқиш;

материални суришда энергия тўпловчи қайишқоқ элементни сиқилиш қийматини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш ва пружинали энергия тўплагич бикрлик коэффициенти ва рейкали ричаг умумий массасига боғлиқ ҳолда сиқилиш кучини ўзгариш боғлиқликлари ишлаб чиқиш;

қайишқоқ элементлар таъсирини инобатга олиб материални сурувчи ёпиқ контурли меҳанизмни кинематик ва динамик масалаларини ечиш, тикилаётган материалларнинг технологик қаршилиқлари, қайишқоқ элементлар бикрлик коэффициенти ва рейкани кўтарувчи ва силжитувчи коромислалари ишчи елкалари ўзгаришига боғлиқ ҳолда рейкали ричагнинг тебраниш бурчаги ўзгариш боғланишларини аниқлаш;

двигателни динамик-механик характеристикаси, системани инерция, қайишқоқ-диссипатив параметрларини ва ҳамда тикув машинасида тикилаётган материаллар қаршиликларини инобатга олиб игна механизми динамика масаласини ечиш;

игнани тикилаётган материалларни тешишдаги тезлигини ўзгариш қонуниятини аниқлаш, ҳамда ишчи ва эркин режимда игна ва ползун массаларига боғлиқ равишда игна тезликлари амплитудалари фарқини ўзгариш графикларини қуриш;

икки ипли занжирли чокни тикув машинасида олишда эллипссимон муштумча ва эксцентриситетли роликли пастки ипни турткичининг кинематик характеристикаларини аниқлаш;

ишлаб чиқилган игна, материални суриш, пастки ипни туртиш механизмларини юқори кўрсаткичли характеристикага эга занжирли чокларни олишдаги рационал геометрик, кинематик, динамик ва технологик параметрларини тажрибавий тадқиқотлар натижасида асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида бир ва икки ипли занжирли чоклар, модернизация қилинган тикув машинасининг тавсия қилинган игна, материални суриш ва пастки ипни туртиш механизмлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети занжирли чокларни олиш технологияси, тикув машинаси ишчи органлари ва механизмлари, конструктив параметрлари ва занжирли чокларнинг технологик кўрсаткичларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, олий математика, машиналар механикаси, иплар назарияси, материаллар қаршилиги, тикув ишлаб чиқариш технологияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

юқори кўрсаткичли характеристикаларга эга бир ва икки ипли занжирли чокларни ҳосил қилиш технологияси ишлаб чиқилган;

материални суриш, материални игна билан тешиш ва пастки ипни туртиш технологик схемалари, самарали ва ресурстежамкор механизмлари ишлаб чиқилган;

занжирли баҳяларни пастки ва юқори ипларини таранглик кучлари ва сарф қийматлари ишлаб чиқилган;

материалларни суришда қайишқоқ энергия тўплагични сиқилиш қийматини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

пастки ип таранглигини етакчи тармоқ таранглигига, иплар орасидаги ишқаланиш коэффицентига ва пастки ип таранглиги оғиш бурчагига боғланишлари ишлаб чиқилган;

тикилаётган материалнинг технологик қаршиликларига, қайишқоқ элементлар бикрлик коэффицентлари ва рейкани кўтарувчи ва силжитувчи коромислоларни ишчи елкалари узунликларига боғлиқ равишда рейкали ричагни тебраниш бурчагини ўзгариш боғланишлари такомиллаштирилган;

тикилаётган материалнинг қалинликларини ортиши билан игнани тешиб ўтиш тезлигини камайиши асосида боғланиш графиги ишлаб чиқилган;

игна ҳаракатида ишчи ва эркин режимлардаги тезликлари амплитудалари фарқини игна ва ползун массаларининг ўзгаришига боғлиқлик графиклари ишлаб чиқилган;

эксцентриситетли муштумча ва роликли пастки ип турткичининг конструкциясини бурчак силжиши, тезлиги ва тезланиш боғланишлари ҳамда тикув машинаси эллиптик муштумчали ва эксцентрикли роликни пастки ип турткичини кинематик характеристикалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бир ипли ва икки ипли занжирни баҳяларининг схемалари ва уларни олиш технологиялари асосида такомиллаштирилган;

янги занжирли чокларни ҳосил қилиш учун игна, материалларни суриш ва пастки ипни туртиш механизмлари такомиллаштирилган;

тикув машинасида юқори иш унумида материалларни сифатли тикишга имкон берадиган ишчи органларини оптимал параметрлари тўлиқ факторли тажрибалар орқали асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, ҳисоблашларда стандартлаштирилган усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, назарий ва тажрибавий изланишлар натижаларини ўзаро мослиги, яхшиланган характеристикали тавсия қилинган занжирли чокларни ишлаб чиқариш синовларининг ижобий натижалари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти занжирли чокларни олиш технологияси, ипларни сарфи ва таранглигини ҳисоблаш методлари, игна, материалларни суриш ва пастки ипни туртиш механизмлари динамика масалаларини ечимлари, ишчи органлар ҳаракат қонунларини олиш, уларнинг параметрларини асослаш қайишқоқ энергия тўплагични сиқилиш қийматини ҳисоблаш методини яратиш, тикув машинасида занжирли чокларни шакллантириш учун боғланиш графиклари ва тавсия параметрларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бир ипли сўкилмайдиган занжирли баҳяни, эластиклиги юқори материалларни тикиш учун юқори деформацияланувчи икки ипли баҳя ва зичлиги юқори, чўзилмайдиган материалларни тикиш учун занжирли баҳяларни янги схемалари ва олиш технологиялари яратилганлиги, юқори мустаҳкамлик характеристикага эга чокларни сифатини оширадиган игна, материалларни суриш ва пастки ипни туртиш механизмларини ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши. Бир ва икки ипли занжирли баҳяларни олиш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тикув машинаси пастки ипи турткичи бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 02523-2004й.). Натижада бир ва икки ипли занжирли баҳяларни олиш

технологиялари, игна, материалларни суриш ва пастки ипни туртиш механизмларини ишлаб чиқилганлиги юқори иш унумли тикиш сифатини яхшилашга имкон берган;

кенгайтирилган характеристикали занжирли чокларни олиш технологиялари «Ўзбекенгилсаноат» АЖ тасарруфига кирувчи «Komfort tekstil» ҚК, «Нилуфар-95» МЧЖ корхоналарига жорий қилинган («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2017 йил 13 ноябрдаги ДМ-158-сон маълумотномаси). Натижада тикув машинаси иш унумини 1,3–1,5 мартага ошириш имконини берган;

пастки ипни турткичи, игна ва материалларни суриш механизмлари, модернизация қилинган тикув машинаси «Ўзбекенгилсаноат» АЖ тасарруфига кирувчи «YANTEKS» МЧЖ, «Ахсин» МЧЖ, «Хасанов Кобилжон» ХК ишлаб чиқариш корхоналарига жорий қилинган («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2017 йил 13 ноябрдаги ДМ-158-сон маълумотномаси). Натижада пастки ва юқори ипларни таранглигини 1,8–2,5 мартага камайтириш, чокларнинг кўндаланг мустаҳкамлигини 1,5–2,0 мартага ошириш имконини берган;

бир ва икки ипли занжирли бахяларни олиш технологияси «Ўзбекенгилсаноат» АЖ тасарруфига кирувчи «TojinisoFAYZ» МЧЖ корхонасига жорий қилинган («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2017 йил 13 ноябрдаги ДМ-158-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган бахялар узлуксизлигини таъминлаши, ип узулишини 10 мартагача камайтириш, чўзилиши мавжуд мокили ва занжирли чокларга нисбатан 65–70% гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 32 та илмий-техник конференцияларда шу жумладан 18 та халқаро ҳамда илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 70 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, 5 та монография нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 6 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш,

нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Занжирли чокларни олиш технологияларини ва тикув машинаси ишчи органларини такомиллаштириш бўйича ишларни таҳлили**» деб номланган биринчи боби материалларни тикиш техника ва технологиясини такомиллаштириш бўйича адабиёт манбаларини аналитик таҳлиliga бағишланган. Мокили ва занжирли баҳяларни схемалари ва олиш усуллари таҳлили берилган. Баҳяларни ҳосил қилиш бўйича мавжуд технологиялар ва тикув машиналари ишчи органлари ва механизмлари конструктив хусусиятлари бўйича тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, ишлатилаётган баҳялар, айниқса занжирли баҳялар мустаҳкамлик-технологик кўрсаткичлари бўйича талаб шартларини таъминламайди: иплар тез-тез узилади, баҳялар ўтказиб юборилади, материалларни тикиш иш унумини орттириш имконияти чекланган. Кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга қуйидаги олимларнинг ишлари бағишланган: В.Н.Горбарук, Г.А.Гайнулин, А.И.Комиссаров, В.П.Щербатов, В.Л.Полухин, В.В.Исаев, Л.В.Кальницкий, В.В.Рачок, Л.Рейбарх, О.Сузуки, И.В.Черунова, С.Ш.Ташпулатов, Р.О.Жилисбаева, С.Баубеков, К.Джаманкулов, Д.С.Мансури, З.Таджибаев, С.Умарова, Х.Рахимова ва бошқалар.


Лекин яхшиланган характеристикали занжирли чокларнинг янги схемалари ва уларни олиш технологияларини яратиш, ҳамда юқори иш режимида турли деформацион-мустаҳкамлик характеристикали материалларни сифатли тикишни таъминлайдиган тикув машиналари ишчи органлари ва механизмларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган. Шунинг учун яхшиланган характеристикали бир ва икки ипли занжирли чоклар схемалари ва уларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш, материални суриш, игнани материалдан ўтиш ва ипларни узатиш жараёнларини такомиллаштириш, ҳамда юқори иш унумида материалларни сифатли тикишни таъминлайдиган тикув машинасининг самарали ва ресурстежамкор ишчи органлари, механизмларини яратиш тикувчилик саноатини муҳим муаммосидир.

Диссертациянинг «**Янги типдаги занжирли баҳяларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва тикув машиналарида иплар таранглиги ва сарфини ҳисоблаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган бир ва икки ипли занжирли баҳяларни янги схемалари ва ҳосил қилиш услублари, ҳамда тикув машиналарида материалларни тикишда иплар таранглигини ва сарфини ҳисоблаш усуллари келтирилган.

Бир ипли занжирли баҳяни келтирилган схемасида ва олиш технологиясида материал тагида ўтган ип тугунчаси ҳосил қилинган. Ушбу тугунча ичидан кейинги ҳалқа ўтказилиб навбатдаги тугунчани ҳосил қилиш имконини беради. Натижада ҳар бир кейинги ҳалқа олдинги тугун ҳосил қилинган ҳалқадан ўтади. Бир ипли занжирли чокни юқоридан кўриниши

штрих чизигидан, пастдан эса халқа асосидаги занжирли тугунчаларни кўриш мумкин. Ушбу бир ипли занжирли баҳялардан таркиб топган тугунчалари бўлган бир ипли занжирли чоклар ипни охириги учидан тортилганда ҳам, шунингдек ип узилиши ва едирилиши ҳисобига хоҳлаган ердан сўкилиши бўлмайди.

Ипли тугунчали сўкилмайдиган тавсия қилинган бир ипли занжирли баҳянинг схемаси 1 а–расмда кўрсатилган, унда 1–игна, 2–игна ипи, 3–материал, 4–игна ипининг халқаси, 5–чалиштиргичнинг учи, 6–чалиштиргич, 7–чалиштиргич думи, 8–чалиштиргич илмоғи, 9–кенгайтиргич, 10–кенгайтиргич илмоғи, 11–игна ипи халқасининг тармоғи, 12–игна пластинкаси, 13–игна пластинкаси тирқиши, 14–игна пластинкаси тирқишидаги игна ипи халқасини чегаралагичи. 1 б–расмда ипли тугунчали бир ипли сўкилмайдиган занжирли чокни тузилиш схемаси кўрсатилган. Тавсия қилинган икки ипли занжирли баҳяни олиш технологиясида айланувчи чалиштиргич иштирок этган, юқори ип халқасини қисқартириш ва тортишда айланувчи юқори ип тортгичдан фойдаланилган. Чалиштиргич ип халқасини ўз ўқи атрофида 180° га буради, бу эса янги кўринишдаги 401 типдаги чокни олишга имкон беради (2 а–расм). Ушбу халқа мавжуд 401 типдагидан шу билан фарқланадики, унда юқори ва пастки ип халқалари 180° га бурилган бўлади.




а–ипли тугунчали бир ипли сўкилмайдиган баҳяни олиш технологияси;

б–янги бир ипли занжирли чок схемаси


1–расм. Сўкилмайдиган бир ипли занжирли чок схемаси

Юқоридаги ип халқасини икки циклда тортилгандаги икки ипли занжирли чокни олишда айланувчи чалиштиргич ишлатилган. Юқори ип халқасини икки циклда тортиб икки ипли занжирли баҳяларни ҳосил қилишда бир ипли занжирли чокни олиш тикув машинасининг айланувчи чалиштиргичидан фойдаланилган. Тикув машиналарида тикилаётган материалларни қалинликларига қараб турлича конструкциядаги ва геометрик параметрлари бўлган чалиштиргичлар ишлатилади. Икки ипли занжирли баҳяни олиш технологиясида юқори ип халқасини юқори ип тортгич билан қисқартириш жараёнини ип тортгични 185° да қисқартиришни бошлаш ҳолати 3–расмда кўрсатилган. Бунда тарелкача ва пружинали регулятор 3 ва икки дискли

муштумчали ип торткич 4 ҳамда ип йўналтиргич 5 ёрдамида юқори ип таранглигини ўзгартириш ҳисобига ҳар иккала вариантдаги (2-расм) икки ипли занжирли чоклар олиш таъминланади.



а-оддий; б-юқори эластикли
2-расм. 401 типдаги янги икки ипли занжирли баҳяни шакллантириш тузилмаси



3-расм. Икки ипли занжирли баҳяни олиш технологиясида юқори ип халқасини юқори ип торткич билан қисқартириш жараённини ип торткични 185° да қисқартиришни бошлаш ҳолати

Икки ипли занжирли баҳяларни олишда пастки ип асосан юқори ипни тортиб боғлаши тикилаётган материаллар ташқарисиди бўлади. Бунда пастки ип таранглиги юқори ипни ўраб ва тортишда намоён бўлади. Занжирли баҳялар юқори ва пастки иплар таранглиklarини ҳисоблаш ипларнинг мувозанат шартлари асосида аналитик усулда амалга оширилган. Ҳисоблар шуни кўрсатдики, α_1 (етақловчи тармоқ таранглиги P_2 билан унинг горизонтал ташкил этувчиси P_1 орасидаги бурчак)ни камайиши P_2 таранглик кучини ортишига олиб келади, чунки унинг горизонтал ташкил этувчиси P_1 ортиб боради. Бунда пастки ипни юқори учини таъсир кучи ортади, бу эса юқори ип халқасини чўзилишига олиб келади. Натижада икки ипли занжирли баҳяларда қўшимча ип захираси ҳосил бўлади. α_1 бурчагини $0 \div 10^\circ$ оралиғигича камайтириш мақсадга мувофиқдир. α_1 бурчагини ортиши пастки ипни юқори ип билан тортилиш бурчагини кўпайишига олиб келади, бу эса нафақат ишқаланиш ва реакция кучларини ортишига, балки P_2 ни қийматини ортишига ҳам олиб келади. Аналитик таҳлиллар натижасида пастки ип билан юқори ипни тортиш параметрларини энг мақбул қийматлари аниқланди. Бунда ип захираси (юқори ип халқаси чўзилиши ҳисобига) икки ипли занжирли чокни ҳосил қилишни таъминлаш учун уларнинг қуйидаги қийматлари тавсия этилади:

$$P_1 = (90 \div 110), \text{ сН } \alpha_1 = (0 \div 10^\circ), \alpha_2 = (30^\circ \div 40^\circ), \beta_1 = (0 \div 10^\circ), \beta_2 = (20^\circ \div 25^\circ).$$

Деформациаланувчи материалларни тикишда икки ипли занжирли баҳяларни ҳосил қилиш учун юқори ипнинг керакли таранглигини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Юқори ипни узатиш технологиясида ип таранглигини созлашда асосий элементлардан, пружинали таранглаш созлагич, ҳамда икки дискли муштумчали юқори ипни торткичи ҳисобланади. Юқори ип таранглигини тарелкали созлагичини пружина бикрлигини ўзгартириш бўйича

изланишларда муҳим ҳисобланади. Пружина бикрлигини ортиши юқори ипнинг таранглигини ортишига олиб келади.

Агарда созлагич пружинаси бикрлигини 40 сН/мм дан 90 сН/мм гача орттирилганда, $f=0,2$ да икки ипли занжирли баҳя юқори ипини умумий таранглиги $4,7 \text{ Н}$ дан $8,23 \text{ Н}$ гача ортади. Юқори ипни ип торткичининг юзаси орасидаги ишқаланиш коэффиценти кўпайса юқори ипнинг умумий таранглиги ҳам ортади. Агар $f=0,4$, $c=40 \text{ сН}$ бўлса, $T_c=8,8 \text{ Н}$ бўлади, бикрлик коэффиценти 90 сН/мм да юқори ип таранглиги $17,4 \text{ Н}$ га ортади.


Ҳисоб ишларида одатда $f=0,25 \div 0,3$ оралиғида олинади. Шунинг учун икки ипли занжирли баҳяни ҳосил қилишда ишлатиладиган ипларнинг типлари учун $C=(60 \div 80) \text{ сН/мм}$ ни олиш мақсадга мувофиқдир. Бунда юқори ипнинг умумий таранглиги $(9,0 \div 12) \text{ Н}$ дан ошмайди.

Ҳар хил вариантдаги икки ипли занжирли баҳялар учун пастки ип сарфини ҳисоблаш натижалари таҳлили шундан далолат берадики, пастки ип сарфини кўпайишидаги асосий кўрсаткич баҳя узунлиги ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, тикилаётган материаллар қалинлиги пастки ип сарфи камайишига таъсир кўрсатмайди. Чунки пастки ип материаллар ичига кирмасдан уларнинг тагида жойлашган бўлади. Ишлаб чиқилган икки ипли занжирли 401 типли баҳяларда пастки ип сарфи ўзаро фарқ қилади. Жумладан $l_c=3,0 \text{ мм}$, баҳя узунлиги $l_n=2,5 \text{ мм}$ бўлганда мавжуд икки ипли занжирли баҳя учун пастки ип сарфи $l_{H2}=30,23 \text{ мм}$ ни, тавсия қилинган вариантдаги баҳя учун $l_{H3}=31 \text{ мм}$ ни ташкил этади, яъни уларнинг фарқи $0,77 \text{ мм}$ ёки $2,5\%$ га тенг. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, тавсия қилинган юқори эластикликли икки ипли занжирли 401 типдаги баҳя пастки ип орқа томонидан юқори ип халқасини ўраб тўғри йўналишда чалишади ва шунинг учун пастки ип кўшимча сарфланади. Айтиш лозимки, юқори ип халқаси узунлиги ортиши билан пастки ип сарфи ҳам кўпаяди. Шунинг учун деформацияланувчи материалларни тикишда икки ипли занжирли баҳяларнинг пастки ва юқори ипларини сарфини ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ипларни узатишда керакли тарангликларни таъминлаш учун юқори ва пастки иплар узунликлари бўйича захираларни таъминлаш муҳимдир.

Диссертациянинг «**Тикув машинасида материалларни суриш жараёнини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобда материалларни суриш технологиясини таҳлили натижалари, материалларни суришнинг самарали услубини ва янги суриш механизми конструкциясини такомиллаштириш берилган. Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган тикув машиналарида асосан уч хилдаги материалларни суриш механизмлари қўлланилади: тишли рейка, рифляли тасма ва аравачали.

Тикув машиналарида мавжуд материалларни суриш технологиясида ишчи орган-рейка эллиптик траектория бўйича ҳаракатланади, сурилаётган материаллар билан чизик бўйича тегиб туради, бунда рейка ва материал орасида етарли бўлмаган ишқаланиш бўлади. Бунда материаллар бир хил ўлчамда сурилиши таъминланмайди, натижада бу буюм сифатига салбий


таъсир кўрсатади. Шунинг учун диссертацияда материалларни тикишда уларнинг суришнинг самарали схемаси ишлаб чиқилган. Ушбу схемага асосан рейка ҳаракати траекторияси ўзгарган эллипс бўйича амалга ошади, унинг юқори қисмида материал билан тегиб турувчи тўғри АВ чизик ҳосил қилинади (4, б- расмга қаранг). Бунда материални бир хил ўлчамларда суриш таъминланади. Бунинг учун материалларни суриш механизми коромислоси ва рейка ричаги, ҳамда ползун ва рейка ричаги орасидаги шарнирларда қайишқоқ элементлар ишлатилган. Кинематик жуфтларда едирилишни камайтириш ва юқори иш тезлигида материални суришда рейкани мосланувчанлигини таъминлаш учун рейка таркибли қилиб ишланган (4, в-расм).



*а-мавжуд технологияда; б-материал суришни тавсия қилинган технологиясида;
в-тикув машинаси суриш механизми*
4-расм. Рейкани ҳаракат траекторияси

Материални суриш механизми кинематикасини ёпиқ векторлар усулидан фойдаланиб аниқланди. Материални суриш механизми рейкасининг юқори нуқтаси ҳаракат траекторияси сонли ечим асосида олинди. М нуқтаси элементар силжишини механизм тортгичини кўтарилиш-тушишида ҳам аниқлаш мумкин. 5-расмда рейканинг М нуқтаси олинган вариантлардаги траекториялари келтирилган 5, а-расмда М нуқта траекторияси $l_5/l_4=6,0$ ҳолатида, 5, б-расмда $l_5/l_4=4,5$ нисбати бўлганда келтирилган. 5, в-расмда материални суриш механизми нуқтасини $l_7/l_5=3,5$ бўлган ҳолдаги траекторияси, 5, д-расмда механизм ричаглари узунликлари қуйидаги қийматларга эга бўлгандаги траектория. Бунда: $l_1 = 31 \cdot 10^{-3} \text{ м}$; $l_2 = 215 \cdot 10^{-3} \text{ м}$; $l_1^I = 31 \cdot 10^{-3} \text{ м}$; $l_3 = 27 \cdot 10^{-3} \text{ м}$; $l_3^I = 31 \cdot 10^{-3} \text{ м}$; $l_4 = 22 \cdot 10^{-3} \text{ м}$; $\alpha_1 = 110^\circ$; $\alpha_7 = 13^\circ$; $\alpha_3 = 9,0^\circ$ бўйича $\omega_1 = 303,5 \text{ с}^{-1}$ олинган.

Рейка траекториялари таҳлили асосида энг мақбул вариант 5, д-расмдаги траектория ҳисобланади. Бунда унинг юқори қисмида тўғри чизикқа яқин қисм мавжуд. Рейкани сурилаётган материал билан контакт зонасини ортиши тикилаётган материалларни керакли горизонтал силжишини таъминлайди.



5–расм. Материалларни суришда рейка нуқтасини ҳаракат траекториялари вариантлари

Энергия тўплагич сифатида конуссимон пружина олинган, унинг ўртача бикрлиги (4-расм):

$$T = \frac{(m_p + m_n + m_{рей}) \cdot V_{сж}^2}{2}; \quad \Pi = \frac{C_{сп} \cdot X_{max}^2}{2} \quad (1)$$


бу ерда T –рейка ва ползунли ричаг кинетик энергияси; $V_{сж}$ –пружинани сиқилишдаги ричагнинг тезлиги; m_p – ричаг массаси; m_n –ползун массаси; $m_{рей}$ –рейка массаси; Π –деформацияланувчи пружина потенциал энергияси; $C_{сп}$ –конуссимон пружина бикрлик коэффициентини ўртача қиймати; X_{max} –сиқилувчи пружинанинг максимал деформацияси қиймати.

Ушбу кўрсаткичларга асосан пружина сиқилиш кучи:

$$F_{сж} = l_3 \cdot \omega_3 \cdot \sin \varphi_3 \cdot \sqrt{(m_p + m_n + m_{рей}) \cdot C_{сп}} \quad (2)$$

Пружина сиқилишидаги ричагнинг тезлиги материални суриш механизми кинематик таҳлилидан аниқланади. Рейкали ричаг мураккаб текис-паралел ҳаракат қилади. $C_{сп}$ нинг ўртача қиймати материалларни тикишдаги баҳялар узунлигига тенг бўлган пружинани максимал деформацияси X_{max} –қийматини инобатга олиб ҳисобланади. 6–расмда пружинани сиқилишдаги максимал кучнинг ўзгариш графиклари ричаг, ползун ва рейка массалари (а) ва пружина бикрлик коэффициентида боғлиқ равишда келтирилган. Масалани сонли ечими тикув машинаси рейкали ричагини куйидаги параметрлари қийматларида амалга оширилган: $m_p=42$ гр; $m_n=23$ гр; $m_{рейк}=37$ гр; $n=5000$ айл/мин; $l_{см}=2,0 \dots 4,0$ мм. Олинган графикларга асосан умумий масса $0,35 \cdot 10^2$ гр дан $1,4 \cdot 10^2$ гр гача ортганда пружинани максимал сиқилиш кучи ночизикли қонуниятда $17,2$ Н дан $64,1$ Н гача ортади. Бунда сиқилиш тезлиги $2,7$ м/с. Силжиш тезлиги $V_{сж}=5,8$ м/с да сиқилиш кучи $23,5$ Н ... $92,8$ Н гача ортади. Бунда пружинанинг максимал сиқилиш кучи $68,5 \dots 87,4$ Н бўлиши, материални суришда максимал энергияни бериш учун пружина бикрлиги ҳисоб қийматида умумий масса $m \leq 105 \dots 125$ гр бўлиши тавсия этилади. Материални суриш механизмини конуссимон пружинаси бикрлик коэффициентини ўртача қийматини ортиши уни максимал сиқилиш кучини ортишига олиб келади.

$C_{сп} 1,0 \cdot 10^3$ Н/м дан $3,2 \cdot 10^3$ Н/м гача ортиши, рейкали ричаг массаси 85 гр бўлганда $F_{см}=19,1$ Н дан $52,6$ Н гача, $m=155$ гр да, $F_{см} = 27,6$ Н дан $82,3$ Н гача ортади. Бунда $C_{сп}$ нинг тавсия қийматлари $(2,3 \dots 3,6) 10^3$ Н/м. Материални суриш механизми коромислоси шарниридаги энергия тўплагич айланма пружинанинг максимал сиқилиш қийматини аниқлаш учун юқоридаги услублардан фойдаланиб амалга оширилди:



б-расм. а – тикув машинаси материални суриш механизми рейкали ричаги умумий массага боғлиқ равишда пружинани максимал сиқилиш кучини ўзгариш қонуниятлари; б – материални суриш механизми пружинасини бикрлик коэффицентини ўзгаришига боғлиқ холдаги пружина максимал сиқилиш кучини ўзгариш қонуниятлари

$$M_{\max} = \omega_3 \cdot \sqrt{J_{3np} \cdot C_k} \quad (3)$$

бу ерда J_{np} -материални суриш механизми икки елкали коромислосини келтирилган инерция моменти; C_k –коромисло таянчидаги пружинанинг айланма бикрлик коэффицентини. Ҳисобларга асосан $C_k = (3,4 \div 4,1) \cdot 10^3 \text{ Нм/рад}$ $J_{3np} = (0,016 \div 0,24) \cdot 10^{-5} \text{ Нмс}^2$ олинди.

Материални суриш механизми бўлган машина агрегатини математик моделини олишда куйидаги шартлар инобатга олинди: механизм бўғинлари абсолют бикр (пружиналар ва таркибий кинематик жуфтларнинг резинали втулкаларидан ташқари); системада тирқишлар мавжуд эмас; таянчлардаги йўқотишлар жуда кичик; рейкали ва ползунли ричаг инерция моменти ўзгармас; умумий қаршилик ўртача қиймати олинган. Материални суриш механизми ҳаракатини ифодаловчи дифференциал тенгламалар системаси куйидагича олинди:

$$\begin{aligned} \dot{M}_g &= 2 \cdot M_k \cdot \omega_c - 2 \cdot M_k \cdot p \cdot \dot{\varphi}_{np} - \omega_c \cdot S_k \cdot M_g ; \\ (J_{ng} + J_{np}) \cdot \ddot{\varphi}_{np} &= M_g - M_{12} - M_{np} (J'_{kp} + J''_{np}) \cdot \ddot{\varphi}_{np} = u_{12} \cdot M_{12} - M_{23} - M_{24} \\ J_3 \cdot \ddot{\varphi}_3 &= u_{23}(\varphi_{kp}) \cdot M_{23} - \epsilon_1 \cdot \dot{\varphi}_3 - \epsilon_2 \cdot [\dot{\varphi}_3 - u_{35}(\varphi_3) \cdot \dot{\varphi}_5] - \\ &- c_1 \cdot \varphi_3 - c_2 \cdot [\varphi_3 - u_{35}(\varphi_3) \varphi_5] \cdot \left(1 - \frac{\partial u_{35}(\varphi_3)}{\partial \varphi_3}\right); \quad J_4 \cdot \ddot{\varphi}_4 = u_{24}(\varphi_{kp}) \cdot M_{24} - M_{45}; \\ (J_5 + J_p + J_k) \cdot \ddot{\varphi}_5 &= u_{45}(\varphi_4) \cdot M_{45} + u_{45}(\varphi_3) \cdot \epsilon_2 \cdot [\dot{\varphi}_3 - u_{35}(\varphi_3) \cdot \dot{\varphi}_5] + \\ &+ u_{35}(\varphi_3) \cdot c_2 \cdot [\varphi_3 - u_{35}(\varphi_3) \varphi_5] - \epsilon_3 \cdot \dot{\varphi}_5 - \left[c_3 \cdot \varphi_5 + \frac{c_3^1}{m} \varphi_5^3 \right] - M_{cn} \end{aligned} \quad (4)$$


